

ХАЛҚАРО САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Г.М.Бердимуратова ¹

¹ ҚДУ инсон ҳуқуқлари, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси доценти, ю.ф.б.ф.д. (PhD)

М.Г. Отабоева ¹

¹ ҚДУ инсон ҳуқуқлари, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси 1-курс магистри

**МАҚОЛА
МА'ЛУМОТИ**

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 19.12.2024

Revised: 20.12.2024

Accepted: 21.12.2024

КАЛИТ СЎЗЛАР:

ҳалқаро стандартлар, сайлов қонунчилиги, демократлаштириш, аралаш сайловлар, мажоритар-пропорционал сайлов тизими, сиёсий тизим, инсон ҳуқуқлари.

Ушбу мақолада сайловларни тартибга солувчи халқаро стандартлар ва уларни Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига татбиқ этиш жараёни таҳлил қилинади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Сайлов масалалари бўйича илгор амалиётка алоҳида еътибор қаратилган. Тадқиқотда Ўзбекистон ҳукумати томонидан сайлов жараёнини демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўрганилиб, долзарб муаммолар, жумладан, сайлов органларининг фаолияти таҳлил этилган.

КИРИШ. Дунёда сайловга оид халқаро стандартларнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларини миллий сайлов қонунчилигимизга имплементация қилиш тенденцияси тобора кенгайиб бораётган шароитда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш муаммоси глобал ва долзарб аҳамият касб этиб келмоқда.

Хусусан, БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг сайловга оид 30 дан ортик универсал ва минтакавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларида ушбу масала миллий, минтакавий ҳамда халқаро микёсда демократик-ҳуқуқий тараққиётнинг энг долзарб,

бирламчи шартларидан бири эканлиги алохида кайд этилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси¹, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Эркин ва адолатли сайлов принциплари тўғрисидаги декларация, Венеция комиссиясининг Сайловларга оид асосий принциплари, МДХ иштирокчи давлатларида демократик сайлов стандартлари, сайлов ҳуқуқи ва эркинликлари тўғрисидаги Конвенциянинг сайловга оид умумэътироф этилгани коидалари мамлакатимизда сайлов қонунчилиги ва тизимини такомиллаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу боис, ривожланган давлатларнинг сайлов тизими, сайлов кампанияларини ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги илғор тажрибаларини умумлаштириш ҳамда шу асосда тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳам долзарб вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатчиликни қарор топтириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни адолатли сайлов қонунчилигини ва уни такомиллаштириш босқичма-босқич амалга ошмоқда. Аник мақсадга йўналтирилган ислохотларнинг самараси юртимизда демократик талабларга мос сайлов тизими ва халқаро стандартларга уйғун сайлов қонунчилиги шакллантирилди ва такомиллаштирилишида давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси демократик сайловларнинг, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг халқаро принциплари ва стандартларини тан олди ва мустақиллик йилларида уларни мамлакат қонунчилигига имплементация қилиб, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Демократик сайлов стандартлари қатор халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган².

Аввало, «халқаро сайлов стандартлари» деган сиёсий-ҳуқуқий тушунча нима маънони англатишига ойдинлик киритиб олишимиз лозим. Халқаро сайлов стандартлари деганда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига оид бўлган сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича халқаро ҳуқуқ принциплари тушунилади. Жумладан, ҳуқуқшунос олим Д.Рахимов ушбу тушунчани фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга оид халқаро-ҳуқуқий принципларидан иборат

¹ United Nations, Universal Declaration of Human Rights [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights> (дата обращения: 08.12.2024).

² Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт / Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. - Т., 2004, 36-54-бетлар.

деб ҳисоблайди³. Россиялик тадқиқотчи Р.Рябчиковнинг фикрича, «Халқаро сайлов стандартлари-давлатнинг фуқароларнинг умумэтироф этилган сайлов ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб бериш, демократик тарзда ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш имкониятини бериш, шунингдек бу ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза этиш мажбуриятидир⁴», деб айтиб ўтган.

Халқаро сайлов стандартлари ҳам давлатга, ҳам фуқароларга қаратилган. Бунда давлат фуқароларни демократик сиёсий жараённинг табиатига монанд бўлган объектив ҳуқуқ билан таъминлашга мажбур бўлади. Фуқароларга эса муайян юридик имкониятлар, яъни субъектив сиёсий ҳуқуқлар берилиши кафолатланади. Демак, халқаро сайлов стандартлари деганда, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва сайловларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишга оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари мажмуасидан иборат институт тушунилади.

Халқаро сайлов стандартларининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, халқаро сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёнига тааллуқли бўлган халқаро стандартлар (халқаро сайлов стандартлари) давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ёки фуқароларнинг хохиширодасини билдиришни таъминлаш орқали амалга оширилади; иккинчидан, халқаро сайлов стандартлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, кўппартиявийлик ва мафкуралар хилма-хиллиги, сайловни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг барқарорлиги ва уларнинг жадал ривожланиши демократик сайлов жараёнларини таъминлашнинг асосий шартлари ҳисобланади;

учинчидан, халқаро сайлов стандартлари сайлов органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан овоз беришни ташкиллаштириш ва овозларни санаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмнинг мавжудлиги ва самарали ишлаши, овоз бериш яқунлари ва сайлов натижалари устидан суд ҳамда бошқа ваколатли органларга шикоят қилиш, сайлов натижаларини эълон қилишдек сайлов жараёнининг муҳим жиҳатларини одилона халқаро кузатиш орқали амалга оширилади. Халқаро сайлов стандартларига оид қатор муҳим халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинган.

³ Рахимов Д.Ф. Международные стандарты в сфере выборов и соответствие им законодательства Республики Узбекистан. // Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги: халқаро тажриба ва амалиёт - Т., 2009. - Б. 34.

⁴ Рябчиков Р.В. Правовые проблемы соблюдения международных избирательных стандартов национальном избирательном праве // Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - М., - 2011. - С. 8. В В

Сайловга оид халқаро стандартларнинг аҳамияти давлат учун муҳим, аммо ҳар бир халқ, мамлакатнинг миллий хусусиятлари, миллий кадриятлари, шарт-шароитлари мавжудлигини ҳам ҳисобга олиниши керак. Сайлов соҳасида машҳур мутахассис ҳисобланган Г.С.Гувдин Дисил томонидан таъкидланганидек, «Ҳар қандай давлатга тўғри келадиган ягона сайлов модели мавжуд эмас». Ҳар бир давлат халқнинг эрк иродасини энг қулай тарзда муайян ижтимоий, миллий, тарихий ва маданий шароитларда таъминлайдиган ўзининг сайлов тизимини яратмоғи лозим⁵.

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий қонунчилигида сайловга оид халқаро стандартларни ифодалаб, мустаҳкамлаб, уларни янада такомиллаштириб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон халқаро стандартларни ўз қонунчилигига имплементация қилишда Ватанимиз, халқимиз миллий анъана ва кадриятларига чуқур ҳурмат-эътибор муносабатида бўлиб амалга оширмоқда.

Ҳозирги кунда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ўзгаришларни амалга оширишда Ўзбекистон томонидан амал қилинаётган муҳим тамойиллардан бири хорижий давлатларнинг ривожланиш тажрибаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётга, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йулини танлади ва шу йўлдан бормоқда. Бу йўл иқтисодий-молиявий, табиий, меҳнат ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни ташқил этиш орқали жамиятни ривожлантириш, самарали иқтисодиётни юзага келтириш, одамлар турмуш даражасини ривожланган мамлакатлар, Франциядаги кўрсаткичларга яқинлаштириш имконини берувчи ривожланиш йўли ҳисобланади. Ўзбекистонда кечаётган ҳозирги ўзгаришларни баҳолашнинг энг самарали усули бу ҳозирги жараёнларни жаҳон тажрибаларига таққослаш, уларни жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида юз берган ва юз бераётган демократик ривожланишлар билан солиштириш ва амалий тажрибаларни қўллашдан иборатлигини кўраемиз. Демак, ривожланган хорижий давлатлар, хусусан, Франциянинг замонавий сайлов тизими ривожланиш тажрибасини ўрганиш, тажрибанинг Ўзбекистон амалиётида қўллаш мумкин бўлган ижобий жиҳатларини аниқлашимиз, ўрганишимиз фойдали ҳисобланади. Франция сиёсий тизимининг барқарор ривожланиш тажрибасидан собиқ Иттифок парчалангандан сўнг, бир қатор МДХ давлатлари унумли фойдаланиб келмоқдалар. Франция ҳозирги кунда Европада ва жаҳон сиёсий майдонида ўз ўрнига эга. У мустақил сиёсат юритиши билан бошқа давлатлардан ажралиб туради. Ташқи

⁵ Goodwin-Gill G. Free and Fair Elections; International Law and Practice Geneva, 1994.p.5.

сиёсати жаҳон конъюктурасидан ҳоли равишда мустақил йўлга қўйилган бўлиб, у дунёнинг деярли барча давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатган ва АҚШдан сўнг 2-ўринда турганини кўрамиз.

Дунё ҳамжамиятида ўзининг мақомидан келиб чиққан ҳолда, Франция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси, иктисодий жихатдан энг ривожланган мамлакатларни бирлаштирувчи «Катта саккизлик» (G-8) гуруҳининг иштирокчиси ва халқаро ҳамкорлик борасида йирик ташкилотларнинг мажбуриятларини бажариб келади. Шу билан бирга, Франция дунёда минтакавий халқларининг маданиятини ўрганишга катта эътибор бериб келади. Айниқса, унинг бош қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган нуфузли халқаро ташкилот - ЮНЕСКО доирасида олиб бораётган сиёсати алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон ана шундай қудратли давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилиш келажакда ижобий натижаларга эширади, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида 1992 йилги Конституцияси ишлаб чиқишда Француз конституциявий тажрибасидан ҳам унумли фойдаланилганини кўрамиз.

Франция ва Ўзбекистон Республикалари олий ҳокимият органлари таркибий-функционал тузилишида ҳам бир қатор ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Улар ҳар иккала мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлиниши, аҳолисининг миллий-этник ва диний таркиби, давлат бошқаруви шакли, суд-ҳуқуқ тизими, президентлик институти, ижроия ҳокимиятининг ваколатлари, парламентнинг тузилиши ва функционал вазифалари каби давлатчилик унсурларининг ўзаро ўхшашлигида кўрамиз. Масалан, Франция ва Ўзбекистон Республикалари ўз маъмурий-худудий тузилишларига кўра, унитар давлатлар бўлиб, аҳолининг миллий-этник таркиби бўйича кўпмиллатли ва кўпэтиқодли мамлакатлар ҳисобланишади. Ҳар иккала давлат худудида ягона, марказлашган суд-ҳуқуқ тизими амалда бўлиб, Президент, Парламент ва унинг палаталари, Бош вазир, Ҳукумат, Конституцияга риоя этилишини назорат қилувчи махсус органлар тузилиши ва ваколатларида ҳам ўзаро ўхшашликлар мавжудлигини кўрамиз.

Сайлов тизими кўпчилик мамлакатлар Конституцияларида акс эттирилган бўлиб, уни осонлик билан ўзгартириб бўлмайди. Масалан, Португалиянинг 1976 й. 2 апрелда қабул қилинган Конституциясида парламент (Мажлис)ни сайлаш тартиби аниқ белгилаб қўйилган.

Бу борада халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича япон тажрибасини ҳам келтиришимиз мумкин. «Хорижий ҳуқуқий ва давлат

институтларини қабул қилишда японлар ҳеч қачон уларни тўғридан-тўғри ўзлаштирмайдилар. Ушбу элементларни ўзлаштириш чоғида миллий хусусият билан бойитилади, фақат шартли ўхшашлик қолишини кўрамиз. Сайлов принциплари, сайлов тизимини япон ҳуқуқий воқелигига мослаштиришда қонун чиқарувчи орган олдида ушбу сайлов норма ва тартибларини япон электоратига максимал йўналтириш, сайловчилар хоҳиш-иродасини миллий менталитет ва япон психологиясини инобатга олган ҳолда объективлаштириш вазифаси кундаланг туради».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда сайлов қонунчилиги замонавий халқаро сайлов стандартлари билан узвий боғланган бўлиб, ўзаро мутаносиб равишда такомиллашиб бормоқда. Энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида мустаҳкамлаб қўйилган:

Биринчидан, фуқаронинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ва сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган, уни амалга ошириш тартиб-қоидалари сайлов қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилган.

Иккинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида умумий сайлов ҳуқуқи принципи мустаҳкамланган. Ҳар бир фуқаро сайлов кунига қадар ёки сайлов кунинда Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган муайян ёшга тўлиши билан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга.

Учинчидан, Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистонда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича қамровдор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция асосида кўплаб қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, янги қонунлар қабул қилинмоқда. Айти ўзгартиришлар давлат ҳокимиятини ташкил этиш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғи ва бошқа давлат

органларини, хусусан, Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш тамойилларига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётгани жуда муҳимдир.

Конституциямизга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси 2024 йил 27 октябрда парламент сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди⁶. Парламент сайловининг ўзига хос хусусиятлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон тарихида илк бор аралаш асосда, яъни мажоритар-пропорционал сайлов тизими бўйича ўтказилди. Сайловда иштирок этадиган аёл номзодлар сони изчил кўпаймоқда. Сайлов кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, хотин-қизлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фоизини ташкил қилиши шарт. Аввал бу талаб бўйича кўрсаткич 30 фоиз эди.

Конституциявий ўзгаришларнинг асосий қисми ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларига тўғридан-тўғри дахлдордир. Хулоса қилиб айтганда, халқаро стандартларнинг Ўзбекистон сайлов тизимига интеграциялашуви нафақат уни демократлаштиришга, балки фуқароларнинг сайловга бўлган ишонч даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Таклиф етилаётган ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши замонавий талабларга жавоб берадиган самарали ва барқарор сайлов тизимини яратиш имконини берувчи халқаро ташкилотлар билан комплекс ёндашув ва фаол ҳамкорликни тақозо этади. Халқаро стандартларни жорий этиш бўйича салмоқли саъй-ҳаракатларга қарамай, Ўзбекистонда сайлов тизимини ислох қилиш жараёни изчиллик билан амалга оширилишини талаб қилувчи мураккаб вазифа бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United Nations, Universal Declaration of Human Rights [Электронный ресурс]. – Режим доступа: URL: <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights> (дата обращения: 08.12.2024).
2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт / Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. - Т., 2004, 36-54-бетлар.
3. Рахимов Д.Ф. Международные стандарты в сфере выборов и соответствие им законодательства Республики Узбекистан. // Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги: халқаро тажриба ва амалиёт - Т., 2009. - Б. 34.

⁶ <https://lex.uz/uz/docs/6995448> (дата обращения: 08.12.2024).

4. Рябчиков Р.В. Правовые проблемы соблюдения международных избирательных стандартов национальном избирательном праве // Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - М., - 2011. - С. 8. В В
5. Goodwin-Gill G. Free and Fair Elections; International Law and Practice Geneva, 1994. p.5.
6. <https://lex.uz/uz/docs/6995448> (дата обращения: 08.12.2024).
7. Сеитова, З. П. (2023). СОЦИАЛЬНЫЙ СТАТУС ЖЕНЩИН РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН. IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(2), 83-89.
8. Pirzhanovna, S. Z., & Gulbahar, Z. (2022). Features Of the Formation of a System of Social and Value Orientations of Women. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 4, 1-3.
9. Сеитова, З. (2024). НАЛИЧИЕ ГЕНДЕРНО-УЩЕРБНЫХ СТЕРЕОТИПОВ В УСЛОВИЯХ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ. Academic research in educational sciences, (3), 537-542.
10. Pirzhanovna, S. Z. (2023). SOCIAL TRANSFORMATIONS AND CHANGES IN THE MINDS OF WOMEN. QUALITY OF TEACHER EDUCATION UNDER MODERN CHALLENGES, 1(1), 225-232.
11. Сеитова, З. П. (2023). КОМПОНЕНТЫ ГЕНДЕРНОЙ ИДЕНТИФИКАЦИИ И ДИФФЕРЕНЦИАЦИИ РЕСПУБЛИКА КАРАКАЛПАКСТАН. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(14), 342-351.
12. ZP, S. (2023). Social Transformations and Changes in The Minds of Women. Journal of Advanced Zoology, 44.
13. Сеитова, З. П. (2021). ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ МИРОВОЗЗРЕНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ. Экономика и социум, (3-2 (82)), 352-355.
14. Pirjanovna, S. Z., & Aytbaevna, S. G. (2020). ECOLOGICAL ISSUES IN THE PHILOSOPHICAL THEORIES OF KARAKALPAK THINKERS. PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology, 17(7), 4206-4212.
15. Сеитова, З. П. ВОПРОСЫ САМОИДЕНТИФИКАЦИИ ЖЕНЩИН В СОЦИОЛОГИЧЕСКОМ ИЗМЕРЕНИИ. ILM SARCHASHMALARI, 185. Pirjanovna, S. Z. (2021). A democratic society is the spokesman for the people's, national will. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 1088-1091.

16. Bo‘ronov, N. (2024). MEDIA SAVODXONLIKNI OSHIRISHDA VR LABORATORIYANING TASHKILIY MODUL MEXANIZMI. TAMADDUN NURI JURNALI, 5(56), 454-457.

17. Nazim, B. R. (2022). O ‘zbek tilshunosligida takror va uning uslubiy xususiyatlari ba’zi adabiyotlarda, ayrim tadqiqot ishlarida o ‘rganilgan. Erkin Vohidov ijodida doston janri alohida ahamiyatga ega. Mazkur maqolada Erkin Vohidov “Nido” dostonining til xususiyatlari haqida so. INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING, 1(3), 500-504.

18. Бурунов, Н., & Шоғулумов, Д. (2020). PREVENTING INFORMATION HAZARDS IN ONLINE PUBLICATIONS ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ. ББК 60 Е244 Ответственный редактор: Гуляев Герман Юрьевич, кандидат экономических наук Е244, 24.

19. Bo‘ronov, N. M., & Nurutdinova, M. (2019). XXI ASRDA DINIY EKSTREMIZM TAHDIDLARI. In WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS (pp. 289-290). Buronov, N., & Shog‘ulomov, D. (2020). PREVENTING INFORMATION HAZARDS IN ONLINE PUBLICATIONS. In European Scientific Conference (pp. 25-26).

20. Buronov, N., & Shog‘ulomov, D. (2020). PREVENTING INFORMATION HAZARDS IN ONLINE PUBLICATIONS. In European Scientific Conference (pp. 25-26).